

Аллоҳ таолонинг махлуқларига тақлид

Image not found or type unknown



15:00 / 17.02.2021 3079

(учинчи мақола)



Чумолилар ҳаракати ва тирбандлик олдини олиш

Рсу.эду сайтида келтирилган маълумотларга қараганда, яқиндагина немис энтомологлари чумолилар қай тарзда ўз уясига яқинлашганда бир-бирларига урилмай, тирбандлик ҳосил қилмаслигини аниқлашга муваффақ бўлишди. Олимлар келгусида худди шу йўл билан шаҳар магистралларида юзага келадиган автоуловлар тирбандлиги ҳолатининг олдини олишга эришиш мумкин, деган фикрда.

Пашша кўзи ва самолёт тезлигини аниқловчи детектор

Image not found or type unknown



Аниқланишича, ҳашаротлар фасет, яъни бир қанча содда кўзлар йиғиндисидан иборат шаклдаги кўриш органига эга. Ҳар битта кўзча орқали «олинган» маълумотлар эса миёда бир бутун манзарани ҳосил қилади.

Пашшанинг фасет кўзларини ўрганиш у ўзига нисбатан анча жадал ҳаракатланаётган объектларнинг тезлигини ҳам ўта аниқлик билан пайқаш қобилиятига эгаллигини кўрсатди. Чунки бунда предметнинг тасвири бирин-кетин ҳар бир фасет кўзчалардан «йиғиб» олинади ва мазкур маълумотлар махсус рецепторларга узатилади. Оқибатда, алоҳида-алоҳида тасвирлар туркуми ҳосил бўлади. Муҳандислар пашша кўзларининг бундай ишлаш принципи асосида парвоздаги самолётларнинг

тезлигини қисқа муддатда аниқлайдиган детектор асбобини ижод қилдилар. Бу ускуна техника оламида «пашша кўзи» номини олган.

Сунъий буйрак, сунъий юрак, сунъий бўғимлар ва тиббиёт олами

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Аммо тиббиёт соҳасида ишламай қолган табиий буйрак ўрнига сунъий буйрак ёки сунъий юрак ёки сунъий бўғим имплантацияси кабилар келиб чиқиб улкан сакраш бўлди. Ушбу расмларда тепада сунъий буйрак, ўртада сунъий юрак ва пастда сунъий тос суяк бўғими кўрсатилган.

Ушбу сунъий аъзоларнинг барчаси табиий аъзоларнинг қандайдир функцияларини бажаради. Лекин шифокорлар ушбу протез аъзоларнинг аниқ таркибини қаердан олишди? Албатта, улар Аллоҳ азза ва жалланинг яратган махлуқларига тақлид қилишган. Улар беморни даволашга ёрдам бериш учун табиий аъзонинг таъсир механизмига, унинг шакли ва ҳажмига тақлид қилишади.

Islom.uz

<https://quran.ksu.edu.sa/>

<https://quran-m.com/>

<https://www.almaany.com/>

<https://ar.wikipedia.org/>

<https://ziyouz.uz/>

<https://uz.wikipedia.org/>

Kun.uz

Zarnews.uz

Soglom.uz

Terabayt.uz

Qomus.info

<https://ru.wikipedia.org/>

<https://www.newworldencyclopedia.org/>

kipmu.ru

zen.yandex.ru

yarovoy.org

thewildlife.ru

(Тамом)

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади